

## Мусулмонларнинг азобланиши



15:20 / 12.01.2020 2980

Исломнинг ривожланиб бораётганидан жазовага тушган мушриклар ҳимоясиз, заифҳол мусулмонларни диндан қайтариш мақсадида уларни турли азобларга дучор қила бошлашди. Макка мушриклари оз сонли мусулмонларни мисли кўрилмаган қийноқларга, азоб-уқубатларга солишди. Мушрикларнинг бу ишлардан кўзлаган бирдан-бир мақсадлари мўминларни иймондан қайтариб, яна мушрик қилиш эди. Аммо мусулмонлар бу азобларга сабр қилиш билан инсоният тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган намуналар кўрсатдилар.

Оддий мусулмонларга турли азоблар бериб ўз мақсадларига эриша олмаган мушриклар уларнинг сардори бўлмиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга озор беришга ўтишди.

Нубувватнинг 5-йили ўрталарида мушрикларнинг жабр-зулмлари кучайиб кетганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Арқам ибн Абул Арқам розияллоҳу анҳунинг уйларида йиғилишлар ўтказишга амр қилдилар. У зот мусулмонлар билан ўша ерда сирли равишда учрашар, керакли таълим-тарбиялар берар эдилар.

Мушриклар тинимсиз равишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши ташвиқот ишларини олиб боришарди.

**«Ислом тарихи» биринчи китобидан**